



КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ИННОВАЦИОН БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Б.Б. Абдурахмонов

Тошкент молия институтини мустақил изланувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

FOREIGN EXPERIENCE OF INNOVATIVE BANKING PRODUCTS FOR SMALL BUSINESS ENTITIES

B.B. Abdurakhmonov

Independent researcher of Tashkent Institute of Finance

Tashkent, Uzbekistan.

JEL Classification: M4, M42

Аннотация. Жаҳонда кичик бизнес субъектларини инновациялар асосида кредитлашни такомиллаштириш ва уларни қўллаб қувватлашга йўналтирилган илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес субъектларини кредитлашда банк мол-мулкнинг гаров қиймати корпоратив қимматли қозғалар учун бозор қийматини аниқлаш, давлат қимматли қозғалари учун қабул қилинадиган қийматни аниқлаш, харид қилинган мол-мулкни гаров эвазига таъминлаш ва кичик бизнес субъектларини кредитлашда лойиҳалар экологик ва ижтимоий таъсир тоифаларига ажратилиш билан боғлиқ муҳим масалалар борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мақолада кичик бизнес субъектларини инновациялар асосида кредитлашнинг хориж тажрибаси ва инновацион кредит маҳсулотлари таҳлил этилган ҳамда уларни ривожлантириш зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Abstract. In the world, special attention is being paid to scientific works aimed at improving crediting of small business entities based on innovations and their support. The collateral value of bank property in lending to small business entities

is important in determining the market value for corporate securities, determining the acceptable value for government securities, providing collateral for purchased property, and classifying projects into environmental and social impact categories in lending to small business entities. scientific research is being conducted on the issues.

The article analyzes the foreign experience of lending to small business entities based on innovations and innovative credit products, and the necessity of their development is scientifically justified.

Калим сўзлар: кичик бизнес субъектлари, банк хизмати, банк маҳсулоти, инновацион банк маҳсулотлари, микромолиявий хизматлар.

Keywords: small business entities, banking service, banking product, innovative banking products, microfinance services.

Қириш. Иқтисодийнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнларини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, бу соҳада ҳам ислохотларни фаоллаштиришни, банкларнинг капиталлашувини оширишни ва бўш пул маблағларни банк оборотига жалб қилиш ҳисобидан уларнинг кредит бериш имкониятларини кенгайтириш орқали

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни талаб этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик - мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутгани сабаб бу соҳани ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга катта эътибор бериб келинмоқда. Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти мустаҳкамланиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бизнинг республикада ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, айниқса кредитлаш орқали улар фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб олиниб бу соҳада катта устиворлик берилмоқда. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажмини ошириш, кредитлаш шартларини соддалаштириш, уларга банк хизматларидан фойдаланиш соҳасида қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жаҳонда пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатишда ҳукуматлар кичик бизнес субъектларини кредитлашни асосий ечимдан бири сифатида қарамоқда.

Материал ва метод. Амалиётдан маълумки, кичик ва ўрта бизнес субъектлари тикланиш жараёнида муҳим рол ўйнайди, чунки улар бандлик ва ижтимоий инновацияларга, айниқса ишсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий адабиётларда "банк хизмати" ва "банк маҳсулоти" тушунчалари кўпинча синоним сифатида қўлланилади. Масалан, Э.А.Уткин қуйидаги таърифни таклиф қилади: «банк маҳсулоти (хизмати) - бу молия бозоридаги турли хил ҳаракатлар, банклар томонидан ўз миջозлари номидан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб ҳақ эвазига амалга ошириладиган пул операциялари (масалан, ташкилий тузилмани такомиллаштириш)

шунингдек, банк бизнесининг самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлардир»[1].

Фикримизча, муаллиф банк хизматларини фақат молия бозорларидаги фаолияти билан боғлаганлиги бироз мунозарали ҳисобланади. Чунки ҳозирги пайтда тижорат банкларининг хизматлари фақат молия бозорлари билан чекланиб қолмайди.

В.Д. Маркова банк маҳсулотини «фаол ва пассив операциялар учун банк хизматлари тўплами» сифатида тавсифлайди.[2] Ўз навбатида, С.А. Гурьяновнинг фикрича, «банк хизмати - бу миջозларга хизмат кўрсатиш эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотдир»[3]. Муаллиф томонидан берилган мазкур таърифни банк хизматларига берилган таърифларнинг ичида энг мукаммали дея баҳолаш мумкин. Бунда бир томондан тижорат банклари, бошқа томондан миջозларнинг манфаатлари ҳисобга олинган.

“Банк хизмати” тушунчаси остида Ю.С. Масленченков, «биринчи навбатда, банк ходимларининг меҳнат, самарали фаолияти натижасини ўз миջозларининг эҳтиёжларини қондириш жараёни (кредит, касса хизматлари, кафолатлар, қимматли қоғозлар, чет эл валютасини сотиб олиш, сотиш ва сақлаш ва бошқалар) сифатида, иккинчидан, миջозларга хизмат кўрсатиш (банк операцияларини амалга ошириш) натижасини тушунтиради» [4].

Шунингдек, россиялик таниқли иқтисодчи олим О.В.Лаврушин таҳлил қилинаётган тушунчага қуйидаги: “банк хизмати – миջозлар номидан унинг фойдасига ҳақ эвазига банк операциялари” деган таърифни беради.[5]

А.Ваҳобовнинг фикрича, «тадбиркорлик моҳиятан бизнеснинг асосий тури. Аммо ҳар қандай бизнесни тадбиркорлик деб бўлмайди. Бунинг учун бизнес яратувчилик белгиларига эга бўлиши лозим» - дея таърифлайдилар. [6]

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан яна бири Ф.Холмаматов кредит хизмати ва кредит маҳсулотига батафсилроқ

таърифни бериб ўтган, яъни «кредит хизмати – банкнинг аниқ мақсадга қаратилган кредит фаолияти натижаси бўлиб, у фойда олиш мақсадида кредит операцияларини амалга оширишда мижознинг кредит эҳтиёжларини қондириш бўйича мақбул шартлар яратишдан иборат». Шунингдек, муаллифнинг фикрича «кредит маҳсулоти – бу банк томонидан кредит хизматларини кўрсатиш усули бўлиб, мижозга хизмат кўрсатиш бўйича бир-бири билан боғлиқ тартиб-таомиллар (технологик, ахборот ва шу қабилар) мажмуини ўз ичига олади. Кредит маҳсулотлари инновацион банк технологияларини ўз ичига олади»[7].

Ўрганилаётган тушунчаларни таҳлил қилиш асосида «банк хизмати» ва «банк маҳсулоти» тушунчаларига қуйидаги аниқ муаллифлик таърифини таклиф қиламиз.

Банк хизмати - бу банк томонидан стратегик режалар асосида ўзининг имкониятларидан келиб келиб чиқиб белгиланган ва мижознинг хохиш-истакларини инобатга олган ҳолда ўзининг манфаатларини ўзаро мужассамлаштирган мақсадли ишлаб чиқилган фаолиятидир.

Натижалар. COVID-19 инқирози меҳнат бозорининг энг заиф сегментига таъсир қилди. Биринчи зарба нисбатан беқарор, кам маошли, тўлиқ бўлмаган ва ярим кунлик ишларга эга бўлганлар учун кучли таъсир кўрсатди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар, хусусий корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ҳам ушбу тўсиқлардан катта зарар кўрди.

Европа инвестицион банкининг маълумотларига кўра, микрофирмалар ташқи молиялаштириш кўрсаткичининг сезиларли ўсишига таъсир этган. Бундан ташқари, микрофирмаларнинг молиялаштириш бўйича олиб борган муваффақиятли натижалари қолган барча йирик корхоналарга қараганда юқорилигини кўришимиз мумкин.

Кичик корхоналар, умуман олганда, йирик корхоналарга қараганда камроқ банк кредитларидан

фойдаланадилар. Чунки Европа банклари ушбу кичик бизнес учун кредит аризаларини кўпинча рад этишади, шу билан бирга кичик корхоналар учун бу ортиқча қоғозбозлик ва ортиқча харажат олиб келиши мумкин.

Молиялаштириш нафақат мавжуд микрокорхоналар учун, балки қашшоқлик ёки ишсизликдан қутулиш ва янги иш ўринларини яратишга ҳисса кўшиш мақсадида бизнес яратиш истагида бўлганлар учун ҳам жуда муҳимдир. Молиявий ёрдамдан ташқари, ишсизлар кўпинча фаоллик ва бошқарувчилик каби зарур кўникмаларга муҳтож.

Мижозлар банклар томонидан рад этилганлиги сабабли, кўпинча микромолия ташкилотларидан микрокредит олиш учун мурожаат қилишади. Улар банкларга қараганда паст фоиз ставкаларини талаб қилмайди, лекин гаров ва қафолат талаблари бўйича камроқ талабга эга.

Ҳозирги вақтда микромолиялаш ташкилотлари ўз фаолиятини молиялаштиришда қийинчиликларга дуч келишмоқда. Молиялаштириш манбасининг барқарор эмаслиги ва қафолатнинг йўқлиги, молиялаштириш нархининг қимматлилиги (фоиз ставкаларининг юқорилиги), барқарор бўлмаган пул оқимларига эга эмаслиги, бозорда рақобатнинг тез суръатлар билан ўсиши каби муаммоларга дуч келмоқда.

Микромолиявий операцияларни рақамлаштириш кредиторлар учун ҳам, қарз олувчилар учун ҳам самаралидир. Хориж амалиётида кичик бизнес субъектларини тоифалашда бир қатор хусусиятларга эга.

Бизнес ҳажми мезонлари ҳар бир мамлакатда бир-биридан фарқ қилади ва кўплаб мамлакатларда ставкаларни пасайтириш ва кичик бизнес субъектлари учун молиявий субсидиялар мавжуд. Европа Комиссиясининг маълумотларига кўра, кичик ва ўрта бизнес - бу ишчилар сони ва товар айланмаси ёки умумий баланснинг қуйидаги таърифига жавоб берадиган корхоналар:

Европа Иттифоқида кичик бизнес субъектларининг тоифаланиш мезонлари¹

Компания тоифаси	Ходимлар сони	Товар айланмаси	Жами баланс
Ўрта	< 250	≤ €50 million	≤ €43 million
Кичик	< 50	≤ €10 million	≤ €10 million
Микро	< 10	≤ €2 million	≤ €2 million

Қўшма Штатларда Кичик бизнес маъмурияти кичик бизнес учун sanoat, мулкчилик таркиби, даромад ва ишчилар сонига қараб мезонларни белгилайди (бу баъзи ҳолларда 1500 га етиши мумкин, гарчи бу чегара одатда 500 га тенг бўлса ҳам)².

Австралияда кичик ва ўрта бизнес субъектларида 200 ёки ундан кам ходим ишлайди. Микробизнесда 1–4 нафар ходим, кичик бизнес 5–19, ўрта бизнес 20–199 ва йирик бизнес 200 кишидан иборат. “Австралиядаги кичик ва ўрта бизнес барча австралиялик корхоналарнинг 98 фоизини ташкил қилади, ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисмини ишлаб чиқаради ва 4,7 миллион одам ишлайди. Шу билан бирга барча товарларни экспорт қилувчиларнинг 90 фоиз ва хизматлар экспортчиларининг 60% дан ортигини ташкил этади”³.

Янги Зеландияда 99 фоиз корхоналарда 50 ёки ундан кам ишчи бор, кичик бизнеснинг расмий таърифи эса 19 ёки ундан кам ишчига эга бўлган бизнесдир. “Ҳисоб-китобларга кўра, Янги Зеландия ялпи ички маҳсулотининг қарийб 28 фоизини ишчилари 20 кишидан кам бўлган компаниялар ишлаб чиқаради”⁴.

2020 йилда Жанубий Кореяда 7,3 миллионга яқин кичик ва ўрта корхоналар мавжуд бўлган, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 18 фоизга кўпни ташкил этган. Сўнгги йилларда, хусусан, улгуржи ва чакана савдо ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)

соҳасида кичик корхоналар сони барқарор ўсиб бормоқда.

Кичик ва ўрта корхоналар Жанубий Корея иқтисодиётининг муҳим қисмини ташкил қилади. Улар барча маҳаллий корхоналарнинг қарийб 99 фоизини ташкил қилади ва мамлакатдаги барча иш ўринларининг 80 фоиздан ортигини таъминлайди. Кўпгина бошқа мамлакатлардан фарқли ўларок, Жанубий Кореянинг кичик корхоналари ходимлар сони билан эмас, балки биринчи навбатда компания томонидан ишлаб ишлаб топилган даромад билан белгиланади. Ушбу таърифга кўра, кичик корхоналар умумий активлари 500 миллиард Жанубий Корея вонидан ошмайдиган ва мустақиллик мезонига жавоб берадиган корхоналардир. Компаниялар ўртача уч йиллик даромади, соҳасига қараб турли чегараларга эга бўлган кичик корхоналар деб таснифланади. Кўчмас мулк компаниялари учун чегара 40 миллиард Жанубий Корея вонини ташкил қилса, ишлаб чиқариш саноатининг айрим тармоқлари учун 150 миллиард Жанубий Корея вонини ташкил этганда кичик корхоналар сифатида таснифлаш стандарт этиб белгиланаган.

Буюк Британияда кичик ва ўрта корхоналар 250 дан кам ходим ишлайдиган, пул айланмаси 25 миллион фунт стерлингдан ошмайдиган ёки активлари 12,5 миллион фунт стерлингдан ошмайдиган корхона (фирма)лардир. Буюк Британияда корхоналарнинг катта қисми ушбу тоифага кирса, кичик ва ўрта бизнес мамлакат иқтисодиётида муҳим

¹ European Commission, [What is an SME?](#) accessed 18 October 2017

² <https://www.sba.gov/>

³ <https://smallbusinessaustralia.org/>

⁴ www.mbie.govt.nz

роль ўйнайди. Корхоналар талабнинг ўсишини қондириш, маҳсулот танловини кенгайтириш, товар ва

хизматларнинг сифатини ошириш, рақобатбардошлик позицияларини мустаҳкамлаш учун зарур.

2-жадвал.

Буюк Британиядаги энг яхши кичик бизнес кредитлари⁵

№	Банк номи	Кредит миқдори	Тўлов муддати	Кредит шарти
1	HSBC	£1000-£25000	1-10 йил	Пул оқими прогнози ва бизнес режа, кредит тарихи
2	Barclays	£ 100 000 гача	1-10 йил	Якка тартибдаги тадбиркор, шериклик компанияси
3	RBS	£ 1000-50000	1-10 йил	Яхши кредит рейтинги, пул айланмаси 2 млн фунт стерлингдан ортиқ бўлган корхоналарга
4	Lloyd's	£1,000-£500,000	1-25 йил	Якка тартибдаги тадбиркор, шериклик компанияси
5	Clydesdale Yorkshire Bank	£25,001-£10,000,000	1-15 йил	Яхши кредит рейтинги, пул айланмаси 2 млн фунт стерлингдан ортиқ бўлган корхоналарга, Британияда бизнес бўлиши
6	TSB	£1,000-£1,000,000	1-10 yil	Якка тартибдаги тадбиркор, шериклик компанияси
7	Metro Bank	£ 25,000 гача	1-5 yil	Ҳисобрақам шу банкда бўлиши, учинчи томон кафолати, пул айланмаси 2 млн фунт стерлингдан ортиқ

Британияда ҳам бошқа мамлакатларда бўлгани каби, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашда тижорат банкларининг ўрни беқиёсдир. Қолаверса, кичик бизнес мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллар экан, тижорат банклари ҳам уларни молиялаштиришдан манфаатдордир.

Британия тижорат банклари томонидан кичик бизнеси субъектлари учун тақдим этиладиган инновацион кредитларни таҳлил қиладиган бўлсак, бунда кредит миқдори, унинг муддати, кредит шартлари бир-биридан кескин фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Кредит миқдори 1000 фунт стерлингдан бошланиб, 10 млн фунт стерлинггача бўлса, кредитнинг муддати 1 йилдан 25 йилгача бўлиши мумкин. Кредитлаш шартлари ҳам турлича бўлиб, буларнинг

барчаси мижозларни жалб қилиш ва инновацион кредит маҳсулотларини жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

2021 йилда Буюк Британиядаги кичик ва ўрта корхоналарнинг тахминан 18 фоизи олдинги 12 ой ичида ўсишга эришган. Бунда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи кичик корхоналарининг ўсиш суръатлари 23 фоиз натижани қайд этиб, етакчилик қилмоқда.

Европа бўйлаб тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали Европа инвестицион фонди инклюзив ўсишни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни рақамлаштиришни кучайтириш ва Европа Иттифоқи Яшил битимнинг экологик мақсадларига эришишда ёрдам бериш орқали Европа Иттифоқининг (ЕИ) тематик устуворликларига ҳисса қўшади.

⁵ <https://www.sbf.co.uk>

Европадаги барча номолиявий корхоналарнинг 99,8 фоизини ташкил этган кичик ва ўрта корхоналар Европада иш ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишга сезиларли ҳисса қўшади. 2019 йилда Европанинг 22,5 миллион кичик ва ўрта корхоналарида 83,5 миллионга яқин ишчи (жами бандликнинг 65,2 фоизи) ишлаган ва Европа қўшилган қийматининг 53 фоизи (3,338 миллиард евро) ишлаб чиқарилган. 2010 йилдан бери кичик ва ўрта бизнеснинг бандлиги ва қўшилган қиймат улушлари пасайган бўлсада, сўнгги маълумотларга кўра, бу пасайиш тенденцияси тўхтаган.

Миллий ишлаб чиқариш ва бандликдаги кичик ва ўрта корхоналарнинг фарқли жиҳатлари Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасида сезиларли даражада аҳамият касб этади. Умумий ишчи кучининг 80 фоизидан ортигини иш билан таъминлайдиган Греция кичик ва ўрта корхоналари француз ишчиларининг атиги ярмини иш билан таъминлайдиган француз кичик ва ўрта корхоналарига қараганда умумий бандликка сезиларли ҳисса қўшган.

Банкларнинг Евро худуд корхоналарига янги кичик кредитлар бериш (< 0,25 миллион евро, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш учун умумий 12,13) инқирознинг дастлабки босқичида тез кенгайиб, 2020 йил май ойида янги кредитлар миқдори 50 миллиард еврога етди. Бироқ, кредитлаш бозоридаги жами эволюцияларга мувофиқ, сўнгги маълумотлар бозорнинг ушбу сегменти учун янги бизнес ҳажмларининг кескин пасайишини кўрсатади. Тарихий жиҳатдан айтадиган бўлсак, микро кредитларнинг умумий ҳажмдаги улуши ўсиб бормоқда ва бу кўрсаткич 2021 йил июл ойига 17 фоизни ташкил қилмоқда.

Кредитлашнинг кескин ўсиши фақат ўрта ва узоқ муддатли кредитлар сегментларида содир бўлди. Бир қарашда, бу кичик ва ўрта бизнес субъектлари қисқа муддатли ликвидликни фавқулотда қўллаб-қувватлаш фикрига зиддек туюлади. Бироқ, COVID-19 кафолат

воситаси томонидан қўллаб-қувватланадиган кредитларнинг ўртача муддати тахминан беш йилни ташкил этди. Дарҳақиқат, қисқа муддатли кичик кредитларнинг янги бизнес ҳажмлари 2019 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб пасайиш тенденциясини кузатди, бу эса пандемия бошланиши билан тезлашишга олиб келди.

Микро кредитларнинг янги бизнес ҳажмлари ривожланишида ҳам, банк кредитлашнинг умумий бозоридаги нисбий аҳамиятида ҳам мамлакат даражасида сезиларли кўрсаткичлар мавжуд. Германияда микро кредитлар умумий кредит бозорининг фақат кичик қисмини (12 фоиз) ташкил қилади. Ушбу улуш пандемиядан кейин бир неча фоизга ошган бўлса-да, у ҳали ҳам Евро худудининг ўртача даражасидан паст ва бошқа баъзи аъзо давлатлар қийматидан анча паст кўрсаткични ифода этмоқда. Бошқа томондан, Испания иқтисодиётига назар солсак, у ерда микрокредит сегменти умумий кредит бозорида етакчи ўринларни эгаллаб, янги ташкил қилинган бизнес ҳажмининг деярли 40 фоизи микрокредитлардан иборат.

Европа марказий банки кредит ҳажми ва муддати бўйича кредит фаолияти учун фоиз ставкалари бўйича маълумотларни тақдим этади. Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаси қисқа муддатли операцион харажатларнинг кўрсаткичи сифатида хизмат қилади, узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаси эса узоқ муддатли инвестициялар қийматининг энг мақбул кўрсаткичидир. Кредит ҳажмидаги фарқларга асосланиб, ҳар бир тўлов муддати учун фоиз ставкаси спредини олиш мумкин, бу 1 миллион евродан ортиқ кредитларга нисбатан 0,25 миллион евродан кам бўлган кредитлар бўйича ундириладиган фоиз ставкасидан ошиб кетиши сифатида аниқланади. 0,25 миллион евродан кам бўлган кредитлар кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш учун яхши кўрсаткич ҳисобланади деб фараз қилсак, катта спред каттароқ қарз олувчиларга нисбатан кичик ва ўрта

бизнес учун рақобатдаги ноқулайликни кўрсатади.

Бундан ташқари, кичик кредитларнинг муддатлари тарқалишида номуносивлик мавжуд. Кредит муддати билан ликвидлик пасайганлиги сабабли, узоқ муддатли кредитлар юқори фоиз ставкаларига эга бўлиши керак. Бу, албатта, ўрта ва йирик кредитлар учун амал қилади. Кичик кредитлар учун эса, қисқа муддатли кредитлаш аслида қимматроқ. Бу ҳам скрининг билан боғлиқ қатъий харажатлар элементи мавжудлигига далил сифатида талқин қилиниши мумкин.

Кичик бизнес субъектларини инновацион кредитлаш харажатлари Европа Иттифоқи бўйлаб сезиларли даражада хилма хиллик билан тавсифланади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари Бельгия, Люксембург ва Францияда энг қулай кредитлаш шартларига дуч келмоқдалар, бу ерда кичик қарз олувчилар учун кредитлаш харажатлари 2021йил июли санасидан олдинги 12 ой давомида пасайган. Бошқа мамлакатларда ҳам, айниқса Ирландия ва Словакияда харажатлар камайган, яъни бу мамлакатларда кичик кредитлар бўйича фоиз ставкаси тахминан 100 базавий ставкага камайди. Ҳар икки мамлакатда ўлчамдаги спредлар сезиларли даражада камайди, бу кичик кредитлар бозорида кредит харажатларининг пасайиши номуносив равишда содир бўлганлигини кўрсатади. Сўнги пайтларда қарз олиш харажатларининг пасайишига қарамай, Эстония ва Грециядан кейин Ирландиянинг кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш бозори Евро худудига аъзо давлатлар орасида энг қиммат бозорлардан бири бўлиб қолмоқда. Кичик кредитларни қарзга олиш қиймати чекланган даражада бўлса-да, фақат Латвия, Греция, Финляндия ва Италияда ошди.

Баъзилар, кичик кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг мамлакат бўйлаб турлича бўлиши маҳаллий кичик ва ўрта бизнес таваккалчилик профилидаги фарқлар билан изоҳланиши мумкин, деб таъкидлаши мумкин бўлса-да, аммо

Европа Марказий банки ўтказган тадқиқот шуни кўрсатдики, бундай омиллар фақат кичик кредит ставкаларининг заиф прогнози ҳисобланади. Индивидуал хавф омилларини назорат қилиб, муаллифлар кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш харажатларидаги миллий фарқлар фирмага хос риск омиллари эмас, балки гаровнинг қопланиши ва банк секторида рақобатнинг йўқлиги каби институционал хусусиятлар билан боғлиқ деган хулосага келишади. Банк-мижоз муносабатларида кўпроқ савдолашиш қобилиятига эга бўлган йирик фирмалар рақобатдош бўлмаган банк бозорларида паст фоиз ставкалари бўйича музокаралар олиб боришлари мумкин, Кичик ва ўрта бизнес эса муқобил ташқи вариантлар мавжуд бўлмаганда юқори кредит маблағларига зарурат туғилади.

Хулоса. Иқтисодчи олимларнинг кичик бизнес субъектларини кредитлашни инновациялар асосида такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики:

* кичик бизнеснинг таснифлаш мезонлари бўйича хориж тажрибаси таҳлил қилинди. Хусусан, АҚШ, Европа Иттифоқи таркибига кирувчи мамлакатлар, Швейцария, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Корея, Буюк Британия каби мамлакатлар шулар жумласидандир. Шунингдек, ривожланган давлатларда тижорат банклари учун таклиф этилаётган кредит маҳсулотлари, уларнинг тақдим этиш шартлари ҳам таҳлил этилган;

* кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётга кўшган ҳиссасини, фирмалар ҳажмини тақсимлашда тармоқлар бўйича кенг фарқланишини ҳисобга олиб, миллий саноат тузилмаларидаги фарқларни акс эттириши мумкин. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳалари: юқори малакали хизматлар, туризм соҳаси, қурилиш ва кўчмас мулк соҳаларида бандлик улуши 80 фоиздан анча юқори кўрсаткични ташкил қилгани учун кичик ва ўрта бизнес муҳим иш ўринлари яратувчиси бўлиб

келмоқда;

* кичик ва ўрта бизнес аҳамиятидаги тармоқлараро ва мамлакатлараро хилма-хилликдан қатъий назар, Европанинг ҳамма жойида кичик корпорациялар иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади. Кичик бизнесни молиялаштириш ва унинг истиқболлари, ташқи молиялаштириш бозорларидаги сўнгги тенденциялар доимий равишда мамлакатлар диққат-этиборида бўлиб келмоқда.

Халқаро амалиётда кичик бизнес субъектларини кредитлашни инновациялар асосида такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги долзарб муаммолар қуйидагилардан иборат:

- энергетика инқирози, яъни ишлаб чиқаришнинг асосий шартларидан бўлган нефть, газ, электр энергиясидаги муаммолар;

- инфляция даражасининг ортиш rischi;

- кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ошиши ва бизнесни молиялаштиришдаги қийинчиликлар;

- пандемиянинг оқибатлари ва унинг узоқ вақт давом этиши.

- муддатидан қатъий назар, кичик кредитлар юқори фоиз ставкалари билан юкланади. Бундай ўлчамнинг тарқалиши анъанавий молия назариясига зид келади, бу эса қарз ҳажми билан тўламаслик хавфи ортиб боришини кўрсатади.

Фикримизча, кичик бизнес субъектларини инновациялар асосида кредитлашни такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Кичик бизнес субъектларини инновациялар асосида кредитлашнинг янги ва мақбул шакллари жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш, валюта активларини диверсификация қилиш, вакиллик банклари ва халқаро молия институтларидан вақтинчалик бўш маблағлар ва қарзга олинган кредит

линияларини жойлаштириш ёки фойдаланиш орқали рентабелликни ошириш мақсадида банк ҳужжатли аккредитивлар бўйича савдони молиялаштиришни амалга оширишни такомиллаштириш ва ривожлантириш лозим, деб ўйлаймиз.

2. Тижорат банкларида рискларни таснифлаш ва уларни олдини олиш ёхуд таъсирини камайтириш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Банкларда рискларни ҳисоблашнинг янги методикаларини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириб бориш лозим. Рискни таҳлил қилиш миқдорнинг бизнеси сифатини баҳолашнинг ажралмас қисмидир. Ҳар қандай корхона, иш фаолияти ва қайси соҳада ишлашидан қатъий назар, ички ёки ташқи муҳитдан келиб чиқадиган ҳар хил риск турларига дуч келади, бу яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс, унинг фаолияти ва келгуси истиқболларини таҳлил қилишда ҳисобга олиниши ва кредит мутахассисининг режумесида тавсифланиши керак.

3. Кичик бизнес субъектларини кредитга лаёқатлилигини аниқлашда пул оқимлари прогнозини тўғри таҳлил қилиш ва назоратини амалга ошириш тартибини такомиллаштириб бориш зарур.

Кичик бизнес субъектларини кредитга лаёқатлилигини аниқлашда пул оқимлари таҳлили талаб даражасида қилиниши ва келгуси пул оқимлари бўйича прогнозлашдан фойдаланиш банкларда муаммоли кредитларни камайтириш ва кредит портфели сифатини оширишга олиб келади. Кредит мутахассиси келажакда корхона бизнесида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар тўғрисида иложи борича кўпроқ маълумот киритиши керак. Прогноз қилишда бизнесни ривожлантириш режалари ҳисобга олиниши керак: захираларни кўпайтириш, сотишни кўпайтириш, харажатларни камайтириш.



ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Уткин А. Морозова Г.И. и другие. Инновационный менеджмент. М. Акалис. 1996
2. Маркова В.Д., Кузнецова С.А. Стратегический менеджмент: понятия, концепции, инструменты принятия решений: справочное пособие. - Новосибирск: [Изд-во ИГУ], 2010. - 323 с
3. Гурьянов С.А. Маркетинг банковских услуг / Под общей редакцией д. э. н., профессора Томилова В. В. - М.: Юрайт - Издат, 2005. - 320с.
4. Масленченков Ю.С., Тавасиев А.М., Эриашвили Н.Д. Расчетные инкассовые услуги банка: Учеб, пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, Элит-2001
5. Лаврушин О.И. Афанасьева О.Н. Корниенко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования: учебное пособие / Под ред. Проф. О. И. Лаврушина - 3-е изд доп, КноРус, 2009
6. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Иқтисод молия, 2014.,- 460 б.
7. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Монография. Тошкент: ТМИ, "IQTISOD-MOLIYA", 2021 йил. – 162 бет.